



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 7 (13.340)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

## БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Пойтахтимизнинг Сергели туманида бир гуруҳ божхоначиларга янги хизмат уйларининг қалитлари топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан божхона органлари ходимлари учун пойтахтимизда иккита замонавий кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. Замонавий шаҳарсозлик ва бинокорлик талабларига тўла мос, табиий иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда қисқа муддатда бунёд этилган мазкур уйлар барча шарт-шароит ва қулайликларга эга.

Хизмат уйларининг тантанали очилиш маросимида Давлат божхона кўмитаси марказий аппарати, Тошкент шаҳри ва вилоят божхона бошқармалари, "Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси, Олий ҳарбий

божхона институти, Миллий кинология маркази ходимлари, божхона фахрийлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Давлат божхона кўмитаси раиси ўринбосари Ғ.Шуқуров ва бошқаруви мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар аҳолининг, жумладан, божхона органлари ходимларининг турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Соҳа ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантириш, соҳа инфратузилмасини тубдан такомиллаштириш, ходимлар учун меҳнат ва яшаш шароитларини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда Қора-

қалпоғистон Республикасининг иқлим шароити оғир ҳудудда жойлашган "Қорақалпоғистон" ва "Даут-ота" божхона постлари яқинида барча қулайликларга эга хизмат уй-жойлари мажмуаси барпо этилди. Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ва пойтахтимизда ҳам бир қатор уйлар фойдаланишга топширилди.

– Байрам арафасида ўз хонадонимизга эга бўлишимиз оиламиз учун кўшалок шодиёна бўлди, – дейди ЎЗА муҳбирига Тошкент шаҳар божхона бошқармаси бош инспектори Назиржон Қосимов. – Бу каби ғамхўрликка жавобан биз, божхона ходимлари ўз хизмат вазифаларимизни янада мукаммал бажаришимиз лозим.

Б.БОЗОРОВ

## ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИНИНГ КЕЛАЖАККА ИШОНЧЎ ЮКСАК

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази "Ўзбекистон: жамоатчилик фикри – 2016" сўровини ўтказди.

Ижтимоий тадқиқотда барча ижтимоий гуруҳлар, турли миллат ва дин вакиллари иштирок этди.

Сўровни ўтказишдан асосий мақсад мамлакатимизнинг 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши аҳоли томонидан қандай баҳоланаётганини аниқлашдан иборат бўлди.

Сўров натижаларига кўра, аҳолининг 97,5 фоизи мамлакатимиздаги бугунги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни "яхши ва барқарор", дея баҳолаган. Фуқаролар бундай ижобий ўзгаришлар мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар туфайли аҳолининг турмуш шароитлари ва сифати яхшиланиб, келажакка ишончи ортиб бораётгани самараси, деб билади.

Жамоатчилик фикри давлат ва жамият ҳаётининг изчил ривожланаётганидан аҳоли мамнун эканини кўрсатди. Сўровда фуқаролар, хусусан, иқтисодий, иқтисодий фаолият эркинлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хусусий мулкни муҳофизат қилиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби асосий йўналишларнинг бугунги ҳолатини ижобий баҳолаган. Юртдошларимиз Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунни тўлиқ қўллаб-қувватламоқда.

Сўровда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари долзарб ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, фуқароларни ўз фаолияти тўғрисида ахборот билан таъминлаш борасида камчиликларга йўл қўяётгани ҳақида фикр билдирилган. Жумладан, маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фаолияти иштирокчиларнинг 38,7 фоизини у ёки бу даражада, 42,8 фоизини қисман қаноатлантираётгани, 13,6 фоизини эса қаноатлантирмаётгани аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2016 йил 24 сентябрда ташкил этилган виртуал қабулхонаси инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлашда самара бераётгани алоҳида аҳамиятга эга. Утган йилнинг 23 декабрдан Ўзбекистон Республикаси Президентини виртуал қабулхонасига айлантирилган мазкур портал

давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 28 декабрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ давлатнинг халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиши учун кенг имконият яратмоқда. Фуқаролар Президентимизнинг Халқ қабулхоналарини ташкил этишга доир ташаббусини кенг қўллаб-қувватламоқда. Ушбу қабулхоналар фаолияти фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли кенг қатламларига тааллуқли долзарб масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш натижаларига кўра, иштирокчиларнинг 93,8 фоизи аҳоли ўз ҳуқуқ ва эркинликларини бузилиши мумкинлигидан ҳуқуқий ҳимояланган, деб ҳисоблайди. Фуқароларнинг 71,8 фоизи агарда қонуний ҳуқуқлари бузиладиган бўлса, уларнинг тикланишига ишонди.

Сўров шундан далолат бердики, фуқаролар давлатимиз раҳбарининг жамиятимизда қонуни устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларга тоқат қилмаслик, қонунибузилишларнинг олдини олишга қаратилган ишларни давом эттиришга оид ташаббусларини муҳим, деб ҳисоблайди ва тўла қўллаб-қувватламоқда.

Фуқароларнинг юқори даражадаги ижтимоий қайфияти ўз оиласидаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатдан, мавжуд шароитлар, ҳуқуқий ҳимояланганидан мамнун экани, шунингдек, оиласи ва мамлакатимиз келажакига ишонилишидан далолат беради.

Сўров натижалари аҳолининг Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган 2017 йил мамлакатимиз ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маърифий соҳаларида юксак натижаларга эришилаётгани, тинчлик, хотиржамлик, фаровонлик янада мустаҳкамланаётгани йил бўлишига қатъий ишончини ифода этди.

"Ижтимоий фикр" маркази материаллари асосида ЎЗА муҳбири Нодира МАНЗУРОВА тайёрлади

## ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ "DIPLOMACIA SIGLO XXI" ЖУРНАЛИ САҲИФАСИДА

Испанияда чоп этиладиган "Diplomacia Siglo XXI" ("XXI аср дипломатияси") журналида Сан Пабло-Мадрид университети профессори Антонио Алонсонинг "Ўзбекистон ривожланишининг кескин бурилишлар босқичида" сарлавҳали мақоласи эълон қилинди.

Марказий Осиё бўйича эксперт Антонио Алонсо 2016 йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда халқаро кузатувчи сифатида иштирок этиш учун юртимизга келган эди.

Муаллифнинг фикрича, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини икки босқичга бўлиш мумкин: 2016 йилгача ва ундан кейинги давр. 2016 йили Ўзбек халқи оғир жудоллик учради – том маънодаги мустақил давлатни барпо этиш йўлида ёш мамлакатга йўлбошчилик қилган Ислоҳ Каримов вафот этди.

"Навбатдан ташқари Президент сайлови ўтган 2016 йилнинг декабрь ойи Ўзбекистон учун тарихий палла бўлиб қолди, чунки бу сиёсий тадбир мамлакатнинг келажагини белгилаб берди", деб ёзади муаллиф.

Республиканинг замонавий ривожланиши ҳақида тўхталар экан, профессор 32 миллиондан зиёд нуфусга эга бўлган Ўзбекистон Марказий Осиёнинг аҳолиси энг кўп мамлакат ҳисобланишини журнал ўқувчилари эътиборига қилган. "Бу рақам бутун минтақа аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этади. Шу билан бирга, республика турли этник гуруҳлар ва маданиятлар маркази ҳисобланади. Ўзбекистонга қўшни бўлган давлатлар ҳудудида ҳам кўп сонли ўзбек миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. Ўзаро тинч ва аҳил ҳаёт кечириб, шубҳасиз, ўзбек халқи менталитетига хос ҳамда давлатнинг пухта ўйланган миллий сиёсати натижасидир. Мамлакат аҳолисининг 90 фоизи ислом динига эътиқод қилса-да, бу ерда барча дин вакиллари тенг ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланишида".

Мақолада Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлиги ва иқтисодий ривожланишига алоҳида эътибор қаратилган. Шу ўринда республикамиз хоржий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни ўрнатгани, шунингдек, БМТ, ЕХҚТ, ЕИ, ШҲТ, ИХТ сингари ва бошқа нуфузли халқаро тизимлар билан самарали ҳамкорлик қилаётгани қайд этилган.

"Ўзбекистон 25 йил мобайнида ўз мустақиллигини мустаҳкамлашга, уни жаҳондаги энг осойишта мамлакатлардан бирига айлантирган хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга муваффақ бўлди, – деб ёзади эксперт. – Президент сайлови халқни жипслаштириш баробарида янги режа ва йўналишларни белгилаб берди".

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига хоржий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан жуда кўп мустақил халқаро кузатувчилар тақлиф этилгани мамлакатнинг демократик тамойилларга содиқ эканлигини тасдиқлайди, деб ёзади А.Алонсо. Экспертнинг таъкидлашича, халқаро кузатувчиларнинг барчаси овоз бериш юқори даражада ташкил этилгани, қонунга ва халқаро сайлов андозаларига риоя қилингани ҳамда мамлакатда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялардан илгари сурилган номзодлар ҳеч қандай тўсқинликларсиз сайловдаги кампаниясини олиб боришганини қайд этди.

"Бой тарихий ва маданий меросга эга, Осиёнинг юрагида жойлашган мамлакатда янги демократик давлат куриш учун асос бўлган Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллиги нишонлангани 2016 йил декабрь ойидаги яна бир муҳим сана бўлиб қолди", деб ёзади муаллиф. Унинг айтишича, ўзбек халқи учун Асосий Қонун мустақиллик, сиёсий ва иқтисодий модернизациялашув, жаҳон ҳамжамиятига муваффақиятли интеграциялашув ва буюк келажакка қатъий ишонч рамзидир.

Ўзбекистон кўҳна тарихга эгалигини эътироф этар экан, испаниялик профессор халқимизнинг бой маънавий мероси ҳақида ҳам тўхталган. Бу мерос ҳозирги кунга қадар ўзбек халқининг очикқўнгиллиги, бағрикенглиги ва тинчликсеварлигида намоён бўлиб турганини таъкидлайди.

"Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива номлари Буюк Ипақ йўли билан чамбарчас боғланган афсонавий шаҳарлардир. Уларда мазкур қадимий давр излари маҳобатли меъморий ёдгорликлар кўринишида ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Ушбу кўҳна йўл нафақат тижорий мақсадлар, балки гоюлар ва янгиликлар, маданият ҳамда санъат елмасини учун ҳам хизмат қилган. Бу заминда инсоният цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган кўлаб буюк алломалар етишиб чиқди ва ижод қилди. Уларнинг маданий ҳамда айнан Буюк Ипақ йўли ниҳоясига етган Испания орқали Европага етиб борди".

Мақола аяқунлар экан, Антонио Алонсо ўз мамлакатини ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этади. Унинг фикрича, Испания республикаси билан ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашга мақсадга мувофиқдир. "Ўзбекистон минтақанинг қоқ марказида жойлашган ва очик денгизга чиқиб йўли бўлмаган сайёранинг камдан-кам учрайдиган мамлакатини бўлишига қарамадан, у XXI асрнинг геосиёсий марказларидан бири ҳисобланади", деб ёзади профессор.

"Жаҳон" АА Мадрид



## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Самарқанд гарнизони офицерлар уйида мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан "Ўзбекистон – мустақил Ватанимиз, миллий армиямиз фахру гуруримиз!" шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

• Чирчик шаҳридаги "Қуёш" маҳалла фуқаролар йиғинида "Аскар маҳалла меҳмони" шиори остида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари фахрийлари, нурунийлар, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этган тадбирда Чирчик олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти муддатли ҳарбий хизматчиларидан бир гуруҳи меҳмон бўлди.

• Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида Қорақўл туманида ўз йигитлик бурчини ўтаётган аскарлар ва уларнинг ота-оналари иштирокида "Биз она Ватанимиз истиқлолининг ҳимоясига ҳамиша тайёр турмоғимиз керак!" деб номланган тадбир ўтказилди.

• Тадбиркорлик соҳасида катта тажрибага эга Воҳид Файзиев Навоий шаҳрида "Heating radiators" масъулияти чекланган жамиятига асос солиди. Эндиликда бу ерда экологик жиҳатдан тоза, ташқи ва ички бозорда рақобатдош алюминий иссиқлик радиаторлари ишлаб чиқарилмоқда.

• Жиззах вилояти Арнасой туманида 7 мини-маркет ва 7 мини-банк иш бошлади.

## ЖАҲОНДА

• Хитойнинг EHang компанияси EHang 164 йўловчи-ташувчи дрон таксининг синов парвозини муваффақиятли амалга оширди. Маълумотларга кўра, ушбу такси вазни 100 килограммгача бўлган йўловчини манзилга элта олади. У соатига 100 километр тезликкача ҳаракатланиб, 23 дақиқа давомида ҳавода парвоз қилиши мумкин. Компания жорий йилда дрон таксининг кенгайтирилган синовларини ўтказишни режалаштирган.

• Олимлар ҳисоб-китобларига кўра, кейинги бир ой ичида Антарктидадаги Ларсен музлигидан майдони 5 минг квадрат километрга тенг айсберг ажралиб чиқиши мумкин. Ушбу муз бўлаги тарихдаги энг йирик айсберглар ўнлигига қиради, бироқ дунё океанлари сатҳига деярли таъсир қилмайди.

• Халқаро олимлар гуруҳи Коинотнинг энг катта харитасини яратди. Янги харитага тўрт йил ичида кадрга муҳрланган 500 мингга сурат асос бўлди. Унда 3 миллиард сайёра, юлдуз ва галактика ўз аксини топган. Харита 2 петабайт ҳажмга эга бўлиб, бу юзлаб Wikipedia энциклопедияси ёки миллиардлаб суратлар ҳажмига тенгдир.

• "Nokia" савдо белгисига эгалик қилувчи "HMD Global" компанияси "Android 7.0" смартфонини тақдим этди. Фойдаланувчиларга маъқул бўладиган жиҳати шуки, у 3 минг миллиампер-соатга тенг аккумулятор билан таъминланади. Бу сизим билан 18 соат суҳбатлашиш, 22 соат мусиқа тинглаш ёки телефонни 32 кун қувватлантирмай юриш мумкин.

Ўзбекистон – мустақил Ватанимиз, миллий армиямиз фахру гуруримиз!

ВАТАНПАРВАР

“...Биз мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллиги, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётига таҳдид соладиган ҳар қандай уринишларга қарши кескин зарба беришга қодирмиз”. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқидаги бу фикрларни ўқир эканман, вужудимга ғайритабиий бир куч, қувват кирди.

Президентимизнинг 2016 йилнинг 20 декабрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 25 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисидаги фармойишида мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланадиган байрам тадбирлари “Ўзбекистон – мустақил Ватанимиз, миллий армиямиз фахру гуруримиз!” умумий шиори остида тантана қилиниши белгиланган. Ширини ўқиб, яна шундай ҳаяжонга тушим. Танамга сигмай кетдим. Ҳеч қандай кам бўлмаган мустақил Ўзбекистонимиз, унинг тинчлиги, осойишталигининг мустақам кафолати бўлган Қуролли Кучларимиз билан фахрланиш ҳисси қалбимни янада чулғади. Аслида бу туйғу бугун халқимиз юрагиди, тилгиди. Бугун ҳар биримиз ана шундай гурур билан яшамокдамиз.

улуг, энг азиз неъматга айланган. Уриб турган юрагимга, танасида оқиб турган қонига айланган. Уни ҳимоялаш эса ҳаётимиз мазмуни. Шунинг учун ҳам бугун Ватанимиз, истиқлолни асраш учун жонини фидо этишга тайёр авлодлар улғаймоқда.

Хизмат сафари билан лейтенант Бекзоджон Хотамов ўтган ҳафта тахририятга келди. Бироз сўхбатлашдик. Яқунланаётган йилда Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртини битирган экан. Қизиқишлари кенг. Аниқ мақсадлари бор. Ўзига ишончи мустаҳкам. Сўхбатни Ватан, бурч ҳақида давом эттирмоқчи бўлдим. Шовиб турган экан. Бир даста шеър қолдириб, “ўқиб кўрасиз, шунчаки ҳаваскорлик”, деди. Ватан, бурч ҳақида лейтенантнинг сатрлари сўзларди:

Хизматимиз учун дуо қилсин эл, Кўқларини бургутдек кўриб яшаймиш. Мустақиллик фарзанди мана шу икки мис-

лларни бўлимида тиббий комиссия фарзандини қайта текширувдан ўтиши учун ўсимирлар диспансерига юборган. “Биринчи навбатда фарзандим соғлом бўлиши мўҳим. Шунда Ватанига, миллатига фойдаси тегади. Шунинг учун ўзим бу муаммо билан шуғулландим. Қолаверса, армияга кетиши мен учун шараф. Тахмин қилинган касаллик исботини топмади. Ўғлим муддатли ҳарбий хизматга кетди”, дейди у. Ота йигит ёшига етган фарзандини шифокор кўригига етаклаб бормаса ҳам бўларди-ку! Ўғлимнинг ўзи ҳам бу ишнинг удрасидан чиқди-ку! Йўқ, ота-она фарзанди тақдирига бефарқ эмас. Айниқса, тинч-осойишта ҳаётимиз, Ватан ҳимояси билан боғлиқ малада. Биз учун одатдагидек бўлиб қолган бу воқеа замирида тинчликни оруз қилиш, бу неъмат учун курашиб яшашдек ҳаёт тарзини кўриш мумкин. Фақат бизнинг миллатга хос ҳаёт тарзини.

Хар қатори олтинга тенг мисралар. Тинчликни ниёт, оруз қилишини ўзи билан чекланмаган. Осуда ҳаётни, мусоффо осмонни асраш учун курашиб яшашни фарзанд қонига, жонига сингдирган зотлар – бизнинг оналар. Бундай оналар олдида ҳамisha бошимиз ерга теккунча таъзим қилишимиз лозим.

Тансиқ неъмат

Миллий армиямиз ҳақида гап кетганда, ўз-ўзидан тинчлик билан боғлиқ сўзлар куйилиб келаверади. Аслида Қуролли Кучларимиз билан фахрланиш замирида халқимизга хос тинчликпарварлик руҳи мўжасам.

“Ўзбекистон: давлат мустақиллигининг 25 йиллиги” мавзусида ўтказилган сўровномада мутахассислар мустақиллигининг 25 йили давомида Ўзбекистон эришган асосий ютуқларининг бош омиллини аниқлашга уринишган. Хўш, жавоб қандай бўлди деб ўйлайсиз? Маълум бўлишича, жавобларнинг 99,6 фоизда “Мамлакатдаги тинчлик ва осойишталикни сақлаш ва мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий иштироқлар ҳамда зиддиятларга йўл қўйилмаслиги” ютуқларимиз асосий омил сифатида кўрсатилган. Шунинг учун ҳам халқимиз тинчлиги ва хавфсизлиги қалқони бўлган армия билан гурурланади.

Юрта эгалик туйғуси

Ўз юртига эгалик туйғуси. Назаримда, мустақиллик ҳимоясида собит турган армиямиз билан фахрланишимиз замирида мана шу ҳилқат устувор.

Юрт фарзанди асли ўзи юрт бўлар, Юрта соқчи бўлар, қалби ўт бўлар, Каторта нори бор Ватан бут бўлар. Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош.

Ухшатишим бироқ ноўриндир. Бироқ Қажрамон шоир Эркин Воҳидовнинг қаламига мансуб бу сатрлар сафланиб турган, қилчай кескир йигитларга ўхшайди. Ватан ҳимоясини ҳаётининг мазмуни деб билладиган, бу йўлда шахнинг манфаатларидан кеча оладиган йигитларга. Мустақиллик, унинг меваси бўлган Қуролли Кучларимиз билан фахрланиб, шунга мўносиб бўлсак, мамлакат мудофеа қобилиятини мустаҳкамлашга беҳисоб ҳисса қўшган бўлаемиз. Эртанги кунга ишончи мустаҳкам халқ буни яхши англайди.

Алижон САФАРОВ

ВАТАНИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҚАЛҚОНЛАРИ

ранинг ўзидаёқ Ватанидан, Қуролли Кучларидан қанчалар фахрланиши, гурурланишини айтган. Бу туйғулар унинг қалбига ўз-ўзидан синггани йўқ. Озод ва обод Ўзбекистоннинг бугунги қиёфаси, эр йигит учун шарафли ишга айланган Ватан ҳимояси бўлиб сўзлаётти, бу сатрлар. Тинчликнинг, тинчликпарвар халқнинг офицер ўғлини-да. Мана шу бойлигига даҳл қилиб кўринг-чи. Нафақат бургутдек, арслондек бўлиб унинг ҳимоясига чоғланади.

Халқимиз, айниқса ёшларимиз ўз армияси билан фахрланмоқда. Бу баландпарвоз гап эмас. “Ижтимоий фикр” 2016 йилда ўтказган “Ҳарбий хизмат тўғрисида жамоатчилик фикри” мавзусидаги сўровномада ёшларнинг 57,9 фоизи ҳарбий хизматни қалб амри ҳисоблашни баён қилган. Қанчалар улугвор жавоб! Буни миллий армиямизда хизмат қилишни, Ватан ҳимоячиси деган юксак мақомга эга бўлишни шарафли иш деб ҳисоблашдан ҳоҳил бўлган фахр, гурур демай бўларканми?!

Миллатга хос ҳаёт тарзи

Танишим Сулаймон Жўраевнинг ўғли 2016 йилнинг баҳорда мўлдатли ҳарбий хизматдан қайтди. Дастлаб туман мудофеа

Мустақиллик ҳимоясида жон фидо этган ҳарбий хизматчиларнинг оналари билан сўзлашганмиз. Қаддини ғам, алам эгиб қўйган, билдирмасликка уринади. Уларнинг фарзандлари замонамизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари.

Марҳум катта лейтенант Шермуҳаммад Ашировнинг онаси Мунисон ая айтган сўзларни ҳаммаси шундай хотирлайди:

– Эр йигит элининг боласи-да, тинчлик ва осойишталикни шулар сақлаётти-да... Ўғлимдан мингдан минг розиман, умри қисқа бўлса-да, чақмоқдек яшади, тиним нима билмади.

Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар марҳум Фарҳод Абдуллаевнинг онаси билан сўзлашган яна бир ҳамкасб волидининг фарзандига бағишлаб ёзган шеърини ўқиб берди:

Ўз элининг тинчлигига дармон бўлган Фарҳоджон,

Ота-она, қадрдонга армон бўлган Фарҳоджон.

Эслаб сени кўнглим мени пора-пора бўлади,

Жасорат-ла жасоратга лойиқ бўлган Фарҳоджон.

ШАРАФЛИ БУРЧ

Ишдан ҳориб уйга қайтганимда фарзандларим бағримга отилади. Уларнинг юз-кўзлариди қувончини, бахтни кўриб, дилим қувнайди. Оиламдаги осойишталик тафтидан бир зумда чарчоғим ёзилади.

Баъзан ишда тунги навбатчиликда қолсам, уйга кўнгирак қилиб, “Яхши ўтириб-сизларми, тинчмисизлар?” деган саволимга жавобан турмуш ўртоғим, “Хавотир олмаган, дадаси, ахир сиздек Ватан ҳимоячилари бор экан, кўнглимиз хотиржам, ҳаётимиз тинч, фарзандларимиз шод”, дейди. Албатта, бунинг барчаси тинчликдек олий неъматнинг меваси эканини ҳис қиламан. Ваҳоланки, дунёда тинч жой излаб, ҳаловатини йўқотганлар оз дейсизми?! Шуларни ўйларканман, янада хушёр туриб, қўл остидаги ҳарбий хизматчиларни ҳам оғоқ бўлишга чақираман.

дан ҳис қилиб яшайтилар. Бу эътиборни ҳарбий хизматчиларнинг уй-жой билан таъминланишидан тортиб, намунали хизмат қилган йигитларнинг олий ўқув юртига ўқишга киришигача бўлган имтиёزلарда кўриш мумкин. Қолаверса, юртимизда мудофеа қудратини янада юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшаётган ҳарбийларимиз хизматини қадрлаш, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, фидойи ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаш мақсадида “Мустақиллик”, “Амир Темур”, “Жалолиддин Манғуберди” орденлари, “Жасорат”, “Содиқ хизматлари учун” каби медаллар таъсис этилди.

Мана, заҳматли, синовли йиллар ортда қолиб, Қуролли Кучларимиз ташкил топганига ҳам 25 йил тўлмоқда. Ушбу байрамни нишонлаш ҳамда давлатимизнинг мудофеа қобилиятини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларни барпо этишга салмоқли ҳисса қўшган ҳарбий хизматчиларни, Қуролли Кучлар фахрийлари ва хизматчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 25 йил” эсдалик нишонининг таъсис этилиши Ватан ҳимоячиларига бўлган юксак эътиборнинг яна бир намунасидир. Қуролли Кучлар тизимида амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар ўзининг ижобий натижасини берди. Бугунга келиб, мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир бўлган, нафақат фахрли бурч, балки юксак шон-шарафга айланган. Зеро, биз, ўзбек йигитларига мардлик, жасурилик ва юртини ҳимоя қилиш – аждодлардан мерос анъана. Мана шу анъана Қуролли Кучларимиз сафидидаги ҳарбий хизматчиларнинг фидойилиги, осойишталигини сақлашга қаратилган оғоҳлиги билан бардавондир.

Санъат ХУДОЙБЕРГАНОВ, капитан



МЕНИНГ АРМИЯМ – МЕНИНГ ФАХРИМ

Тошкент Фотосуратлар уйида 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан “Менинг армиям – менинг фахрим!” деб номланган танлов-кўргазма ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофеа вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида Қуролли Кучларимиз ташкил этилганлигининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган кўргазмада юзга яқин ижодий ишлар намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси мудофеа вазирининг ўринбосари М.Солиев, Ўзбекистон Бадий академияси раиси ўринбосари Ф.Тўшмухамедов ва бошқалар мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлиги ва халқимиз осойишталигини ишончли ҳимоя қилишга қодир миллий армиямиз шакланганини таъкидлади.

– Бу каби танловлар ҳарбий хизматчиларни Ватанга мўжабат, танлаган касбига садоқат руҳида тарбиялаш, юксак жанговар тайёргарлик даражасини ошириш, ўқув ва хизмат интизомига риоя этишини янада мустаҳкамлашда мўҳим аҳамиятга эга, – дейди УЗА мўхбирига Тошкент ҳарбий округи ҳарбий хизматчиси Шавкат Исмаилов. – Ҳар бир ижодий ишда миллий армиямизнинг куч-қудратини янада ошириш, халқ ва армия бирдамлигини мустаҳкамлаш каби гоғалар мўжасам.

Мазкур танловдан қўзланган мақсад Қуролли Кучлар тизимида амалга ошириладиган ислохотлар, эришилаётган ютуқларни халқимиз, айниқса, ёшларга етказишдан иборатдир.

Профессионал ва ҳаваскор рассомлар, фотограflар ижодий ишларида мустақиллик йилларида мудофеа тизимида босқичма-босқич амалга ошириладиган ислохотлар натижалари акс эттирилган.

Ғолиб ва совриндорларга совғалар топширилди.

Н.НАСРИЕВ

Диққат, танлов!

“АРМИЯ – ЮРТИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИ РАМЗИ” РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Мудофеа вазирлиги ва Миллий телерадиокомпания билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 25 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан журналистлар ўртасида “Армия – юртимиз тинчлиги ва осойишталиги рамзи” республика танловини эълон қилади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларда Қуролли Кучларимиз салоҳияти ва ҳарбий соҳада олиб бориладиган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, сарҳадларимиз дахлсизлиги, осмонимиз мусоффолиги, юртимиз тинчлиги ва мамлакатимиз осойишталигини таъминлаш йўлида фидойилик кўрсатаётган ҳарбийларнинг мардон хизмати, офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига ижтимоий-маиший шароитлар яратиш борасида амалга ошириладиган ишлар чуқур таҳлил этилган ва маҳорат билан ёритилган бўлиши лозим.

“Армия – юртимиз тинчлиги ва осойишталиги рамзи” танловига оммавий ахборот воситаларининг қуйидаги йўналишлари бўйича ўтказилади:

- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари (1-, 2-, 3-ўрин);
- тележурналистларнинг кўрсатувлари (1-, 2-, 3-ўрин);
- радиожурналистларнинг эшиттиришлари (1-, 2-, 3-ўрин);
- интернет нашрларидаги материаллар (1-, 2-, 3-ўрин);
- фотожурналистикага оид материаллар (1-, 2-, 3-ўрин).

Танлов ғолиблари диплом ва қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирланади:

Танловга 2016 йил давомида ҳамда 2017 йилнинг 31 мартгача газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, фоторепортажлар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар (камиди 5 та) 2017 йилнинг 5 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари ва совриндорлари рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида маълумот (объективка);
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Ижодий ишлар “Армия – юртимиз тинчлиги ва осойишталиги рамзи” танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси  
Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87,  
веб-сайт: www.journalist.uz

КУРСАНТЛАРИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИ БЎЙИЧА БИЛИМИ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юртида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 25 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб инглиз тили бўйича интеллектуал танлов ўтказилди.

Тадбирда Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти бошлиғи Ф.Ортиқов ва бошқалар мамлакатимизда тезкор ва профессионал миллий армияни шакллантириш, малакали кадрлар билан таъминлаш, Қуролли Кучларимиз салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизматчилар учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида улкан ишлар амалга ошириладиганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофеа ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан ташкил этилган тадбирда мамлакатимиздаги олтига олий ҳарбий таълим муассасасидан курсантлар жамоалари иштирок этди. Иштирокчилар мамлакатимиз тарихи, халқимиз маданияти ва анъаналари бўйича ўз билимини намойиш қилди.

Викторинани ўтказишдан қўзланган асосий мақсад бўлгуси офицерларнинг касб маҳоратини юксалтириш, инглиз тилида ижодий фикрлаш ва иш юритиш кўникмасини ривожлантиришдан иборат бўлди.

Беллашув уч босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда иштирокчилар таҳсил олаётган таълим муассасаси, иккинчи босқичда машғулотлар жараёни хусусида инглиз тилида маълумот берди. Яқиний босқичда жамоа сардорлари ҳакамлар ҳайъатининг мамлакатимиз тарихи, давлат ва ҳуқуқ асослари, истиқлол гоғиси бўйича саволларга жавоб берди.

Викторинани якунига кўра, Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти жамоаси ғолиб бўлди. Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги махсус факультет жамоаси иккинчи ва Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлари учинчи ўринни эгаллади.

(ЎЗА)

# СОЛИҚ СОҲАСИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

**Солиқлар иқтисодийнинг таянч нуқтаси дейилади. Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб солиқлар ҳар томонлама либераллаштирилиб, ҳўжалик юритуви субъектларига имтиёз ва преференциялар яратиб борилаётганда.**

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазмалар мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори ҳамда 2017 йилда солиқ қонунчилигига киритилган ўзгаришлар ва янгиликларни солиқ тўловчиларга етказиш мақсадида кўргазмали семинар ташкил этилди.

Тадбирда Давлат солиқ қўмитаси билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат божхона қўмитаси, Бош прокуратура мутахассислари ҳамда ҳўжалик юритуви субъектлар раҳбарлари иштирок этишди.

— Тадбирдан қўзланган асосий мақсад солиқ ва бюджет сиёсатининг 2017 йилги асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан солиқ қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятидан тадбиркорлик субъектлари вакиллари ҳамда

кенг жамоатчиликни хабардор қилишдан иборат, — дейди Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Музаффар Пардаев. — Республикада тадбиркорлик субъектларига қўлай шароитлар яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ имтиёзларини бериш ва солиқ маъмуричилигининг самарадорлигини ошириш тенденцияси 2017 йилда ҳам сақланиб қолинди.

Айтиш жоизки, ўтган 2016 йил якунида "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори ҳамда бошқа бир қатор Фармон ва қарорлар қабул қилиниб, уларга асосан турли йўналишлар ва янгиликлар, имтиёзлар яратилди, шунингдек, қонун ҳужжатларига асосан берилган имтиёзлар мuddати узайтирилди.



— Республикада ўртача турмуш даражаси ва энг кам иш ҳақи миқдори ошганлиги ҳамда инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда, айрим солиқларнинг ставкалари индексация қилинди, — дейди Давлат солиқ қўмитаси инспектори Комил Саидов. — Солиқ маъмуричилигини такомиллаштириш ва солиқ солиш билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича Солиқ кодексига тегишли ўзгаришлар киритилди. Хусусан, юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ қарзи бир йил мобайнида тўланмаган тақдирда, қарзни ундиришни мол-мулкка қаратиш учун белгиланган энг кам миқдордан оз бўлган ҳолларда ҳам мажбурий ундирувга қаратиш тартиби белгиланди.

Семинарда мутахассислар томонидан солиқ қонунчилигига киритилган ўзгаришлар ва янгиликлар ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумотлар берилди.

Тадбирда солиқ мажбуриятларини ўз вақтида тўлаб, солиқ қонунчилигига риоя этадиган, ишлаб чиқаришни ривожлантириб янги иш ўринлари ташкил этган, республика иқтисодийти юксалишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган намунали солиқ тўловчиларнинг бир гуруҳи Давлат солиқ қўмитасининг фахрий ёрликлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Кўргазмали семинар 14 январга қадар давом этади.

**З. ШАРИФЖОНОВ**

## ИНҲА УНИВЕРСИТЕТИДА ИННОВАЦИОН СУГУРТА МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

**"Қафолат сугурта компанияси" акциядорлик жамияти ҳамда Тошкент шаҳридаги Инҳа университети ҳамкорликда инновацион сугурта марказини ташкил этиш мақсадида англашув меморандумини имзолашди.**

Ушбу ҳужжат доирасида томонлар университет биносида инновацион сугурта марказини ташкил этишга қўйилган вазифаларни автоматлаштиришга йўналтирилган лойиҳаларни амалга оширилади.

Мазкур лойиҳа университет талабаларининг турли технологиялар ва дастурлардан фойдаланган ҳолда сугурта бизнесининг турли йўналишлари учун дастурлашга боғлиқ кўникмаларини янада яхшилашга кўмак беради.

Меморандумга асосан, лойиҳа 2017–2018 ўқув йили давомида амалга оширилади.

Меморандум доирасида "Қафолат сугурта компанияси" АЖ сугурта компаниясининг фаолиятида фойдаланиш мумкин бўлган ИТ талабаларининг махсус дастурлари, дастурий маҳсулотлари ва ечимларини қўллаб-қувватлашга тайёрлигини билдирди.

**"Туркистон-пресс"**

**Оила – муқаддас даргоҳ, унинг мустаҳкамлигини сақлаш, оила аъзоларининг аҳил-иноқлигини таъминлаш ҳар биримизнинг олий мақсадимиз бўлмоғи лозим. Оила мустаҳкам экан фарзандлар яхши тарбия топади, бу эса жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.**

## МУСТАҲКАМ ОИЛА – ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Афсуски, кейинги йилларда мамлакатимизда ахримлар сони кўпайгани кўзатилаётганда, Хусусан, Тошкент шаҳрида охириги беш йилда оилаларнинг бузилиши уч баробар ортган. Эрак ва аёлнинг аризмаган сабаб туфайли ўзаро келишмай қолиши ёки бирининг жиддий ҳатоси туфайли оиланинг бузилиб кетиши натижасида фарзандлар кўп азият чеқмоқда. Боланинг жисмонан ва руҳан беқаму қўст улғайишида ота-онанинг ўрни беқимбодир. Шундай экан, отасиз ёки онасиз ўсаётган бола қайсидир жиҳатдан қийинчиликларга дуч келади. Бу эса унинг барқамол бўлиб улғайишига салбий таъсир этади. Бу ҳақда Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган матбуот анжуманида батафсил сўз юритилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари М. Обидовнинг маълум қилишича, 2016 йилда шаҳримизда оилавий ахримлар сони бир мунча пасайган. Утган йилнинг 11 ойи мобайнида 1012 та оила ажримдан, 1361 та бола тирик етилмадан сақлаб қолинди.

Ажримдан сўнг ақсарият ҳолларда фарзандлар оналари билан қўлашади, барча оталар ҳам ўз болаларининг моддий эҳтиёжларини қондириш учун кетадиган маблағларни, яъни алимент тўловини ўз вақтида ва белгиланган миқдорда тўлашни хоҳламайди. Ё даромадларини яширади ёки ишсизлигини рўқча қилади. Бугунги кунга қадар Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасига даврий алимент қарздорликлар билан боғлиқ 688 та муурожаатлар келиб тушган.

Анжуманда таъкидланишича, 2016 йил 1 декабрь ҳолатига кўра суд ижрозилари бўливлари иш юритувида қарийб 22 мингта алимент ундируви билан боғлиқ ижро ҳужжатлари мавжуд бўлиб, 2015–2016 йиллар давомида 9 мингдан зиёд янги ижро ҳужжатлари келиб тушган.

— Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси, Жиноят ишлари ҳамда Фуқаролик ишлари бўйича шаҳар судлари, Адлия бошқармаси, Инки ишлари бош бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Меҳнат бош бошқармаси, Суд департаментининг шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Тошкент почтамент" филиали билан ҳамкорликда "Тошкент шаҳрида ота-она ҳамда болаларнинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада кўчайтиришга қаратилган кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қўшма қарор қабул қилинди.

Ушбу қарор Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, Тошкент шаҳар ИИББ, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва Меҳнат бош бошқармаларининг алимент тўловларига оид ижро ҳужжатларининг ижросини мuddатида тўлиқ ва сифатли бажарилиши бўйича ҳамкорлигини янада ошириш, шунингдек, бу борада идораларро назорат ҳамда ахборот алмашувининг самарали тизимини жорий этиш мақсадида имзоланган.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга атофлича жавоб қайтарилди.

**Абдуалим САЛИМОВ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

2017 йил 1 февраль куни соат 11.00да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани СИБ томонидан 24.01.2006 йилдаги 796-807/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган ва техник носоз бўлган: 1.1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30F4690 бўлган "ТИКО" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 527 147,12 сўм. 2.1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30F3807 бўлган "ТИКО" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 14 461 253,73 сўм.3.1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10Y9656 бўлган "ТИКО" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 15 419 362,50 сўм.4.1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10L0110 бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 25 052 594,49 сўм.5."Auto Plaza Service" жарима майдонида сақланаётган 03.05.2016 йилдаги 13419/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 L 390 DA, ранги оқ бўлган ВАЗ 2108 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 13 073 000 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-йй манзилида бўлиб ўтади.

Оқоридида автотранспорт воситалари ва мол-мулклар билан тегишли суд ижрозилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати 2017 йил 1 февраль кундаги аукцион савдоси учун 2017 йил 30 январь куни соат 16:00. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" АТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 9048 8730 5001, МФО: 01103, СТИР: 301 829 604. Аукцион голиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-йй. www.agb.uz. Телефон: (371) 233-61-44, (95) 146-61-44.

Гувоҳнома 004593.

**ХўРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2017 йил 16 февралда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат объектларини сотиб олишга таклиф этади**

"Объектлар"ни сотиб олиш шартлари қуйидагича:

- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- ушбу "Объектлар" учун энг юқори қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш (жадвалда келтирилган);
- янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
- харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишнинг энг кичик мuddатларда амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:

- сотувчи банк ҳисоб рақамига объектни бошланғич наривинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўланганлиги тўғрисидаги тўлов қийнатиция;
- нодавлат юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;
- жисмоний шахслар учун - паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;
- елимлаб ози ёлган конвертта солинган, қуйидагиларни ўз ичига олувчи таклифлар:
- сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш мuddати;
- инвестициявий мажбуриятларнинг таклиф этилаётган суммаси, уларни киритиш шакли, мuddати ва шартлари;
- талабгорнинг молиявий мустақиллигини ва тегишли тармоққа илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар.

Тақдим этиладиган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланади ва икки нусхада тақдим этилади.

**Оммавий оферта савдоларига чиқарилган давлат объектлари рўйхати**

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдон (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сакловчи	ПҚ/ВМК	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Инвестиция мажбурият (млн.сўм)	Инвестиция киритиш мuddатлари
1	Собик 105-сонли мактабга таълим муассасасининг бино ва иншоотлари	1018	Тошкент шаҳри, Юнусов тўғрисида, Чинобод кўчаси, 8-йй	Тошкент шаҳар Юнусов тўғрисида хокимияти	31.05.2012 № 154	1 237 298 647	- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишнинг энг кичик мuddатларда амалга ошириш.	
2	Собик 196-сонли мактабга таълим муассасасининг бино ва иншоотлари	1522	Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 230-йй	Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани хокимлиги	31.05.2012 № 154	3 444 573 654	- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишнинг энг кичик мuddатларда амалга ошириш.	
№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдон (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сакловчи	ПҚ/ВМК	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Инвестиция мажбурият (млн.сўм)	Инвестиция киритиш мuddатлари
1	Бино қисми	396	Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Гулсоям кўчаси, 2-йй	Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Фойдаланиш департаменти	28.04.2015 № 2340	358 903 568,56	- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишнинг энг кичик мuddатларда амалга ошириш.	
2	Қурилни тугалланмаган бино-иншоот	486	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси	Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Ягона бунор гмачн хизмати" ИК	28.04.2015 № 2340	67 321 036	100-200 млн.сўм ва қўшимча 6-10 та иш ўрин яратилиш	4-6 ой мuddатда



**Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти қўллаб-қувватланаётган ёшлар сафи тобора кенгаймоқда.**

Хар йили касб-хунар коллежларини битирган минглаб ёшлар иш билан таъминланади. Эндиликда коллеж битирувчиларининг нафақат ишга жойлашиши, балки банк кредити эвазига ўз бизнесини йўлга қўйиб, янги иш ўринлари яратиши ҳам оддий ҳолга айланди. 2016 йилда ўз хусусий ишини очиб, бизнес билан шуғулланишга қарор қилган коллеж битирувчиларига 362 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Кейинги йилларда турли ташкилотлар ҳамкорлигида ёш мутахассислар ўртасида сўровлар ўтказилиб, уларнинг ишга ва ўз келажагига муносабати, меҳнатга лаёқати мунтазам ўрганилмоқда. Тахлилларга кўра, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг асосий қисми ўз мутахассислиги бўйича ишлаш ниятида. Уларнинг бир қисми олий ўқув юрталарига ҳужжат топширишни ўз олдига мақсад қилган бўлса, яна бир қисми тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган.

лион сўм миқдорига имтиёзли кредитга эга бўлдим. Мазкур маблағ сабаб, ҳам тадбиркор бўлдим, ҳам янги иш ўринлари яратдим. Фаргона вилоятининг Қўқон шаҳрида яшовчи Мардонабону Тўрақуллова хусусий сектор ривожини яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, корхона ташкил этган ёшлардан. Ёш тадбиркор бундан икки йил муқаддам Қўқон педагогика коллежини битирган. Коллежни тугаллаш арафасида у "Асака банк"нинг Фаргона вилояти филиали томонидан ўтказилган тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда мамлакатимизда яратилган ҳуқуқий-иктисодий кафолатлар ҳамда ишбилармонлик муҳитига бағишланган семинарда иштирок этди. Натижада Мардонабонудан ўз бизнесини бошлаш истагини пайдо бўлди. Ораўзининг қисқа фурсатда амалга оширишда банкдан олинган имтиёзли кредит унга қўл келди.

Кечагина коллежни битирган ёшлар бугун банкларнинг имтиёзли кредитлари эвазига хусусий корхона очиб, тенгдошларини ҳам иш билан таъминлаш имкониятига эга бўлаётганлари кимни қувонтирмайди дейсиз? Ўз бизнесини бошлаш ва уни ривожлантириш истагида бўлган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида банклар хар йили имтиёзли шартлар асосида кичик бизнес субъектлари ва коллеж битирувчилари ўртасида кўрик-танловлар ўтказмоқда. "Менинг бизнес гоям", "Ёш тадбиркор - юртга маддадор" лойиҳалари шулар сирасидандир. "Кишлоқ қурилиш банк"дан маълум қилишларича, касб-хунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 1,3 баравар кўп миқдорда имтиёзли микрокредитлар ажратилган.

**Ёшларга оид давлат сиёсати - амалда БИЛИМЛИ, ТЕРАН ФИКРЛИ, САЛОҲИЯТЛИ**

бизнес субъектлари ва коллеж битирувчилари ўртасида кўрик-танловлар ўтказмоқда. "Менинг бизнес гоям", "Ёш тадбиркор - юртга маддадор" лойиҳалари шулар сирасидандир. "Кишлоқ қурилиш банк"дан маълум қилишларича, касб-хунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 1,3 баравар кўп миқдорда имтиёзли микрокредитлар ажратилган.

Халқимиз дастурхонини сифатли кишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари билан тўлдирish ниятида ота-онам билан маслаҳатлашиб, иссиқхона ташкил этган эдик, - дейди ЎЗА муҳбирига ёш тадбиркор. - Замонавий талабларга жавоб берувчи иссиқхонамизда йил давомида, айниқса, қишда кишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш учун барча шароит яратилган. Ун нафар тендос дугоналарим иш билан таъминланди.

лағга қоғоз қўтилар ишлаб чиқариш ускуналари харид қилиб, бозорга қоғоз қўти етказиб бераётимиз. Дастлабки сармоёни мақсадли ишлатган ёшлар келгусида банклардан яна молиявий мадад олиш имкониятига эга бўлади. Жойларда ёшлар раҳбарлик қилаётган юзлаб корхона ва фирмалар ташкил этилиб, уларда тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозоримизни тўлдирishга хизмат қилмоқда. - Тадбиркорлик субъектларининг турига кўра микрокредитнинг миқдори турлича бўлади, - дейди "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки кредитлаш департаменти директори Алишер Суёмов. - Бошланғич сармоёни шакллантиришга ажратиладиган микрокредитлар ташкил топганига 6 ойдан ошмаган кичик тадбиркорлик субъектларига 18 ойгача бўлган муддатга ажратилади. Бу даврда тадбиркор фақат фоиз тўловларини, сўнг асосий қарз миқдорини ойма-ой тўлаб боради. Микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараваригача, йиллик етти фоиз устама билан, 24 ойгача муддатга ажратилади. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хомашё ва материалларни қайта ишлаш, хунармандчиликни ривожлантириш, касаначилик меҳнатини ташкил этиш учун яқка тартибдаги тадбиркорларга энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари ҳамда микрофирма ва кичик корхоналарга энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 баравари миқдорига 3 йилгача бўлган муддатга берилди.

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

"КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади! Аукцион савдосига Сергели туман суд ижрочилиари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 10.11.2015 йилдаги 10-1504/20128-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қурувчилар даҳаси, 14-уй ёнида жойлашган, умумий майдони 188,0 кв.м., фойдаланиш майдони 159,09 кв.м.дан иборат 1 қаватли, ер тўлали кўчмас мулк биноси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси - 476 270 000 сўм.** Аукцион савдосига 2017 йил 13 февраль кунини соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2017 йил 10 февраль кунини соат 18:00. Кўчмас мулк билан суд ижрочилиари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон ф-длага: МФО: 01036, СТИР: 207122519, 20208000204920609019 хўр га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳўжжати нусхаси, вакиллар учун ишоннома, чет-эл юридик маблағларнинг келиб чиқиши ҳонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади. Аризаларни қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй. Тел: (0371) 236-38-28. www.1kms.uz. Лицензия RR-0001.

**Спорт янгиликлари**

Ўзбекистон миллий матбуот марказида мамлакатимиз шахмат федерациясининг 2016 йил якунлари ва 2017 йилдаги вазифаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

**САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР**

Анжуманда мамлакатимизда навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан етук, юксак интеллектуал салоҳиятли этиб вояга етказиш, спортнинг барча турлари қатори шахматни изчил ривожлантиришга қаратилган улкан эътибор ва ғамхўрлик самарасида ўзбек шахмат мактаби вакиллари нуфузли халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришаётгани таъкидланди. 2016 йилда шахматчиларимиз қирқга яқин нуфузли мусобақада иштирок этиб, 40 олтин, 15 кумуш ва 12 бронза медални қўлга киритди.

**Ўшларга оид давлат сиёсати - амалда**

учинчи поғонасидан жой олди. Эронда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида ёш шахматчиларимиз 7 олтин, 2 кумуш, 2 бронза медалига сазовор бўлди. Ўзбекистон вакиллари Сочи шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасидаги ўтказилган жаҳон чемпионатида 36,5 очко жамғариб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

**ҲАМЮРТИМИЗ "ЛОКОМОТИВ"ДА ҚОЛАДИ**

Бир қатор хориж оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳимоячиси Виталий Денисовнинг қишки трансфер даврида Россиянинг "Локомотив" клубини тарк этишни режалаштираётгани ҳақида хабарлар тарқалди.

Маълум қилинишича ҳамюртимизга Туркия ва Хитой клубларидан жиддий қизиқиш бўлмоқда. Асосан, Туркия суперлигаси иштирокчисини бўлган "Трабзонспор" ўзбекистонлик футболчилни ўз сафига қўшиб олишга жиддий бел боғлаган. Аммо Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳимоячиси ўзига ҳеч қандай хориж клубларидан таклифлар бўлмаганини айтди.

**Ўшларга оид давлат сиёсати - амалда**

Мамлакатимизда 2016 йили уч йирик мусобақа - Георгий Аязамов хотирасига бағишланган Х халқаро "Тошкент опен" турнири, аёллар ва эркеклар ўртасида Осиё чемпионати ҳамда жаҳон шахмат юлдузларининг халқаро турнирлари ташкил этилди. Ундан ташқари 30 га яқин мусобақа ўтказилди. Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

**Ўшларга оид давлат сиёсати - амалда**

алоқага чикмади. Мен барчасидан матбуот орқали хабар толяпман. Колаверса, "Локомотив" раҳбарияти ҳам мени бу борада оғохлантирмади", - дейди тажрибали футболчимиз. **Ботир Хўжаев**

**Тошкент Оқшомми**  
Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Буяортма Г- 135

**Тошкент Оқшомми**  
Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Буяортма Г- 135

**Тошкент Оқшомми**  
Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Буяортма Г- 135

**"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ВА "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"**  
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари хар кунини соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

**Дугонам Саида билан бозорда учрашиб қолдик. Ўғли коллежни битириб, ўз бизнесини бошлагани, бедана парваришлаб, бозорга шифобахш тухумлар етказиб бераётгани ҳақида сўзлади.**

**КОНИ ФОЙДА**

Беданачилик камҳаражат, бироқ сердаромад соҳа эканини бугун кўпчилик англаб етмоқда, - дейди Ўзбекистон "Парандасаноат" уюшмаси бошқарма бошлиғи Ҳакимжон Нормухамедов. - Бу борада аниқ ҳисоб-китоблар ҳам қилинмоқда. Қисқа фурсатда маҳсулот берадиган битта бедананинг кунлик озуқа миқдори 26 грамм омихта емдан ошмайди. Масалан, бир килограмм қўй гўшти етиштириш учун ўртача 25 килограмм, мол гўшти учун эса 26-28 килограмм озуқа сарфланади. Бедана 200 грамм семириши учун бир килограмм озуқа етарли бўлади. Камчиқим бу парранданинг тухум бериш даври тугаса, гўшти ҳам яхшигина даромад келтиради.

Бедананинг тухум, гўшт (бедана-бройлер) йўналишида ҳамда жангари, декоратив, рангдор зотлари бор. Унинг "япон" зоти анча сермахсул бўлиб, йилига ўртача 300 дона тухум беради. Бедана тухуми товуқ тухумига нисбатан А, РР, В1, В2 витаминлари ва минерал моддалар таркиби бўйича юқори кўрсаткичга эга.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев чикшиларида қишлоқ ҳўжалигини ислох қилиш, кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари ва хусусий мулкни изчил ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришни алоҳида таъкидламоқда. Натижада юртимизда барча соҳа, жумладан, - беданачилик ҳам ривожланадиган бўлади.

Кейинги вақтларда дунё мамлакатлари луғатида органик маҳсулот ибораси пайдо бўлди, - дейди Х.Нормухамедов. -Маълумки, органик қишлоқ ҳўжалиги - атроф-муҳитга зарар келтирадиган кимёвий воситалардан фойдаланмасдан биологик ҳилма-хилликни асрайдиган экологик босқичларга асосланган, экологик тоза маҳсулот етиштириш ва инсонлар саломатлигини муҳофаза қиладиган ишлаб чиқариш тизими ҳисобланади. Беданачилик айнан ана шу талабларга тўлиқ жавоб берадиган тармоқ бўлиб, унда антибиотиклардан, ўстирувчи сунъий моддалардан, озуқа қўшимчаларидан фойдаланилмайди. Мисол учун, бедананинг тана ҳарорати 42, ошқозон ҳарорати 46-48 даражада бўлгани учун унча-мунча инфекция унга акин йўламайди. Шу боис уларни парваришлашда ҳеч қандай антибиотикка эҳтиёж йўқ.

Дунё мамлакатларида, хусусан, Германияда органик-экологик тоза маҳсулот етиштириш ва унга бўлган йиллик талабнинг ўсиши 5-15 фоиз, Дания, Швеция ва Швейцарияда 30-40 фоизга етгани экологик тоза маҳсулотларга эътибор органикни кўрсатмоқда. Соф ва табиий ҳисобланадиган бедана тухумлари Японияда ҳам машҳур бўлиб, у парҳез таом сифатида қадрланади. Жаҳон бозоридан бундай маҳсулотга талабнинг ортиб бораётгани юртимиз фермеру тадбиркорлари учун янги экспорт имкониятларини очиб шубҳасиз.

**ЎЗА**

Бедана ўзи кичик қуш бўлса-да, иқтисодий самарадорлиги жуда юқори, - дейди Зангиота туманидаги беданачилик оилавий корхонаси раҳбари Равайн Тўраев. - Масалан, инкубаторга қўйилган тухум 17 кунда очиб чиқади. Бедана ҳўжалари талаб даражасида парваришланса, энг камда 90 фоизи вояга етади. Бошқа паррандалардан фарқли ўлароқ, бедана 40-50 кунда тухум бера бошлайди. Бедананинг турлари жуда кўп бўлиб, "фарсон" зоти юқори сифатли гўшт билан, "Эстония" зоти кўп тухум бериши ҳамда гўштининг алоҳида ўзига хос таъми билан ажралиб туради. "Британия қора" зоти ўзига хос патлар рангига эга бўлиб, тирек вазнининг оғирлиги 210 граммни ташкил этади. Бундан ташқари, "Америка альбино" бройлерлари, "Англия оқ" зоти, "Маньчжур тила раңги", "смокинг", "мармар раңг", "Австралия сариқ-жигар раңг" зотлари ҳам мавжуд.

**ЎЗА**

**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ  
Тошкент шаҳрида 12 январь кунини ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиб, қорга айланиши мумкин. Фарбдан секундида 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундида 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 1 даража совуқ, 1 даража илқ бўлади. Кундузи - 3-5 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 12 январда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратиб, ифосаланиш даражаси паст бўлади.